Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# *5230700 – Банк иши*
# бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент-2017

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 603
24.08.2017 йил

## СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент молия институти.

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил «24» август даги 603 - сонли буйруги.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5230700 - Банк иши*** **бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи** .................................................................................. | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ............................................................................ | 4 |
| 1.2. | *5230700 - Банк иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи .................................................. | 4 |
| **2.** | ***5230700-Банк иши*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар** ......................................................................... | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................................ | 6 |
| 2.2. | *5230700 - Банк иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ................. | 6 |
| **3.** | ***5230700 - Банк иши*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** ........................................................................................... | **8** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .......................................................................................... | 8 |
| 3.2. | *5230700 - Банк иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ............................................................ | 10 |

## 1. *5230700 - Банк иши* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

***5230700 - Банк иши*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5230700 - Банк иши*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар. ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5230700 - Банк иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5230700 - Банк иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5230700 - Банк иши*** бакалавриат таълим йўналиши – фан ва иқтисод соҳасидаги йўналиш бўлиб, тижорат банклари фаолиятининг барча йўналишлари, иқтисодий-ҳуқуқий

ва ташкилий асослари, фаолият принциплари, ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини таъминлаш усулларини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соха мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. *5230700 - Банк иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;
- тегишли вазирлик ва идоралар;
- тижорат банклари;
- нобанк кредит ташкилотлари;
- бюджетдан ташқари жамғармалар;
- инвестиция ва сугурта ташкилотлари;
- аудиторлик ташкилотлари;
- акциядорлик жамиятлари;
- давлат ҳокимияти органлари;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари;
- биржалар;
- қўшма корхоналар;
- молия-банк соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар;
- молия-кредит бозорларида фаолият юритувчи муассасалар.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соха мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***5230700 - Банк иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– банклар фаолиятини ташкил этиш;
– банклар фаолиятини ривожлантиришда мавжуд тамойилларни татбиқ этиш;
– банк соҳасида жараёнларни таҳлил этиш;
– банклар фаолиятини самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
– банклар фаолиятини ривожлантириш бўйича йўналишларни ишлаб чиқиш;
– банклар фаолиятини режалаштириш, унинг назорати ва аудитини ташкил этиш :
– банклар фаолияти самарадорлигини аниқлаш;
– банклар фаолиятининг самарадорлиги юзасидан хулосалар чиқариш ва унга баҳо бериш.

**1.2.3. *5230700 - Банк иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *Молиявий-иқтисодий;*
- *Ҳисоб, таҳлил ва назорат;*
- *Ташкилий-бошқарув фаолияти;*
- *Илмий-тадқиқот;*
- *Педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соха мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5230700 - Банк иши*** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- *5А230701 – Банк иши (фаолият турлари бўйича);*
- *5А230702 – Банк ҳисоби ва аудит ҳамда ва бошқа тегишли иқтисодиёт соҳасларини қамраб олувчи* магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, бакалавр ўрнатилган тартибда олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларида мустақил изланувчи сифатида ўқишни давом эттириши мумкин.

## 2. *5230700 – Банк иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

– дунёқараш билан боғлик тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

– тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– хорижий тилларни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

• соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

• таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

• тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5230700 – Банк иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

– молия-банк соҳаси фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳукукий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

– бизнес-режаларни кўриб чиқиш ва лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;

– молия-банк бозорида банк номидан воситачилик қилиш;

– банк мижозларининг тўловга қобиллигини баҳолаш усулларини қўллаш;

– молия-банк соҳасини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

– молия-банк ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

– молия-банк соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

– иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

– банк тизими фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

– банк тизимидаги кўрсаткичлар динамикаси ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

– банк фаолиятига доир молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни таҳлил қилиш;

– банк хизматларини кўрсатишда ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари воситаларидан фойдаланиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– банк тизимида корпоратив бошқарув тартиб ва тамойилларини билиш;

– молия-банк тизимига доир қонунчиликка мувофиқ бошқарув мезонларини англаган бўлиш;

– банк ишини тўғри ташкил қилиш ва самарали бошқаришни амалга ошириш;

– банк тизимида молиявий бошқарув ва ходимларни бошқариш стратегияларини билиши ва амалиётда қўллай олиш;

– молия-банк фаолиятидаги муаммоларни ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– молия-банк соҳасининг халқаро ҳамда миллий мослигини мониторинг қилиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда молия-банк тизимининг ривожланиш тенденциялари ва кўрсаткичларига баҳо бериш, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва бу борада амалга ошириладиган ислоҳотлар моҳиятини тушуниш ҳамда тадқиқот ишларини улардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш;

– илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда иқтисодиёт соҳасидаги замонавий услубларни қўллай олиш;

– мавзу (топшириқ) бўйича илмий-амалий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштириш;

– илмий-тадқиқот натижалари ва янгиликларни амалиётга тадбиқ этиш юзасидан асосланган таклифларни лойиҳа чифатида ишлаб чиқиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий

машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

## 3. *5230700 – Банк иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5230700 – Банк иши*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;

математик ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган, кадр истеъмолчиларнинг ёки бошқа соха мутахассисларинингтаклифлари асосидаги фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

### 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:**

– умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усуллари ҳақида олий даражадаги билим ва малакаларни шакллантириши;

– табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг

экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

– олий математика бўйича чуқур назарий билимларни эгаллаши;

– таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

– мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий, маънавий тарихи ва унинг бугунги кунга қадар бўлган эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки:**

– математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

– таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

– таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

– иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иктисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;

– классик иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашлари ва хулосаларидан хабардор бўлиши;

– макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт бўйича асосий тушунча ва тамойилларини билиши;

– режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

– бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуллари ҳақида тасавввурга эга бўлиши;

– статистика ва эконометриканинг назарий асосларини чуқур ўзлаштириши ва амалиётда қўллаш усулларини ўрганиши;

– математик программалаштириш, эҳтимоллар назарияси ҳамда миллий ҳисоблар тизими бўйича чуқур билимга эга бўлиши;

– халқаро молия институтлари фаолияти ва улар билан ҳамкорликни ташкиллаштириши;

– банк тизими фаолияти ва молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки:**

– банк иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва малакаларини шакллантириши;

– молия бозори сегментлари ва уларни амал қилиш механизмини билиши;

– капитал оқими шакллари ва йўналишларидан хабардор бўлиши;

– банк ишининг назарий асослари ва амалий жиҳатларини чуқур ўрганиши;

– банкларда бухгалтерия ҳисоби, дастурий таъминотлар билан ишлаш, ҳисоботларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш малакаларига эга бўлиши

– таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

**Қўшимча фанлар блоки**

– таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

– молия-банк бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

– банк иши бўйича махсус йўналишларда фаолият олиб бориш малакасини шакллантириш;

– таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва молия бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

– банк иши бўйича касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соха мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5230700 – Банк иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори хажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машгулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим - 63 - 70%;
аттестация - 8 - 10 %;
таътил - 12 - 16 %;
малака амалиёти - 6 - 12 %;
битирув малакавий иши - 2 - 3%.

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар 10 - 15 %;
математик ва табиий-илмий фанлар 10 - 15 %;
умумкасбий фанлар 50 - 55 %;
ихтисослик фанлар 15 - 20 %;
қўшимча фанлар 5 - 7 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Илова

*5230700 – Банк иши* таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

| Т/р | Фанлар блоклари ва интеграллаштирилган курслар | Умумий юклама-нинг ҳажми, соат-ларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар** | **968** |
| 2.00 | Математик ва табиий-илмий фанлар | 930 |
| 2.01 | Ахборот-коммуникация технологиялари | 318 |
| 2.02 | Иқтисодчилар учун математика | 252 |
| 2.03 | Иқтисодий математика | 240 |
| 2.04 | Эконометрика асослари | 120 |
| **3.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3774** |
| 3.01 | Иқтисодиёт назарияси | 272 |
| 3.02 | Микроиқтисодиёт | 188 |
| 3.03 | Макроиқтисодиёт | 188 |
| 3.04 | Статистика | 188 |
| 3.05 | Менежмент. Маркетинг | 188 |
| 3.06 | Молиявий ва бошқарув ҳисоби | 252 |
| 3.07 | Молиявий таҳлил | 252 |
| 3.08 | Пул ва банклар | 312 |
| 3.09 | Молия | 252 |
| 3.10 | Молиявий менежмент | 126 |
| 3.11 | Молия бозори | 126 |
| 3.12 | Инвестиция | 126 |
| 3.13 | Аудит | 196 |
| 3.14 | Банк менежменти ва маркетинги | 196 |
| 3.15 | Банк ҳуқуқи | 126 |
| | *Танлов фанлари* | *786* |
| **4.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1400** |
| 4.01 | Банк иши | 318 |
| 4.02 | Банкларда бухгалтерия ҳисоби | 312 |
| 4.03 | Монетар сиёсат | 160 |
| 4.04 | Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш | 194 |
| 4.05 | Халқаро банк иши | 250 |
| | *Танлов фанлари* | *166* |
| **5.00** | **Қўшимча фанлар** | **380** |
| | **Жами** | **7452** |
| | **Малакавий амалиёти** | **918** |
| | **Битирув малакавий иши ҳимояси билан** | **216** |
| | **Аттестациялар** | **918** |
| | **Жами** | **2052** |
| | **ҲАММАСИ** | **9504** |

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

банк, банк тизими, банк ресурслари, капитал, устав капитали, банк капитали, депозит сиёсати, нодепозит операциялар, банк пассивлари, банк активлари, кредит сиёсати, кредит портфели, диверсификация, кредит потенциали, банклараро кредит, кредит фоизи, кредит мониторинги, кредит баҳоси, микрокредит, микролизинг, кредит объекти, кредит субъекти, контокоррент, овердрафт, револьвер, кредит карточкаси, ликвидлилик, тўловга лаёқатлилик, инвестиция, қимматли қоғоз, лизинг, факторинг, репо, андеррайтинг, траст, гаров, фоиз, банк даромади, банк харажатлари, банк фойдаси, кредитга лаёқатлилилик, қисқа муддатли кредит, узоқ муддатли кредит, риск, валюта, валюта тизими, валюта механизми, валюта курси, спот, форвард, фьючерс, опцион, своп, валюта сиёсати, ревальвация, девальвация, валюта интервенцияси, банк ўтказмаси, инкассо, хужжатли аккредитив, чек, тўлов баланси, халқаро кредит, валюта инқирози, банк ҳисоби, банк баланси, ҳисобварақ, мажбурият, бэк-офис, фронт-офис, банк назорати, бош китоб, ёрдамчи китоб, валюта коди, назорат калити, уникал код, электрон тўлов тизими, ностро, востро, ягона вакиллик ҳисобварағи, касса, инициатор банк, бенифициар банк, ссуда ҳисобвараги, инкассация, инкассатор, асосий восита, номоддий актив, амортизация, инвентаризация, ҳисобот, банк аудити, аудитор, ички аудит, ташқи аудит, стандарт, аудиторлик хулосаси.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини**
**Ривожлантириш маркази**

Директор____________**проф. Б.Ҳ.Раҳимов**

2017 йил «10» 08

М.Ў.

**Тошкент молия институти**

Ректор____________**проф. Н.Х.Хайдаров**

2017 йил «10» август

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор____________**Б.Ю.Ходиев**

2017 йил «12» август

М.Ў.

Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк”

Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари ____________ **А.Б.Эшонқулов**

2017 йил «12» август

М.Ў.

Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”

Бошқаруви Раиси ўринбосари ____________ **Ҳ.Ў.Раҳматов**

2017 йил «12» август

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки

Ходимлар билан иш олиб бориш бошқармаси бошлиғи ____________ **Х.Қ.Маматалиев**

2017 йил «12» август

М.Ў.

**Тошкент молия институтида тайёрланаётган**
***5230700 - Банк иши*** **бакалавриат таълим йўналиши ва унинг негизидаги 5А230701 Банк иши (фаолият турлари бўйича), 5А230702 - Банк ҳисоби ва аудит магистратура мутахассисликлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг** ***5230700 - Банк иши*** **бакалавриат таълим йўналиши ва унинг негизидаги** ***5А230701 Банк иши (фаолият турлари бўйича) 5А230702 - Банк ҳисоби ва аудит*** **магистратура мутахассисликлари битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

| Т/р | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) | | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассисислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|---|---|
| | шифри | номи | |
| | *5230700* | *Банк иши* | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>- банк-молия соҳасида фаолиятни ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;<br>- банк-молия соҳасига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, махсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;<br>- мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;<br>- интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилиш;<br>- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш;<br>- банк-молия соҳаси фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;<br>- банк-молия соҳасида жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;<br>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;<br>- банк-молия соҳасида фаолият кўрсатиш ва улар фаолиятининг халқаро ҳамда миллий талабларига мос келиши борасида жараёнларни назорат қилиш;<br>- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;<br>- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;<br>- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;<br>- банк-молия соҳасининг халқаро ҳамда миллий мослигини мониторинг қилиш; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | - банк-молия соҳаси фаолиятини режалаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини қидириб топиш;<br>- банк-молия соҳаси фаолиятини бошқаришнинг замонавий муаммолари ва хусусиятларини аниқлаш, улар фаолиятини бошқаришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш;<br>- банк-молия соҳаси фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўтказишда замонавий методларни қўллаш;<br>- банк-молия соҳасида ҳужжатларни расмийлаштириш ва умумлаштириш, молиявий ҳисоботларни шакллантириш ҳамда расмийлаштиришда замонавий методларни қўллаш;<br>- банк-молия соҳасида жараёнларни ҳисобга олишда, молиявий-хўжалик фаолияти ва аудит иши сифатини баҳолашда замонавий ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш;<br>- банк-молия соҳаси фаолиятини таҳлил қилиш;<br>- молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш;<br>- бажарилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича банк-молия соҳасининг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш. |
| | ***5А230701*** | ***Банк иши (фаолият турлари бўйича)*** | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>- тижорат банкларида молиявий режаларни, йиғма молиявий балансларни, асосий иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш учун дастлабки маълумотларни тайёрлаш;<br>- келгуси молия йили ва белгиланган давр учун режаларни ишлаб чиқиш;<br>- тижорат банкларида стратегик режалаштириш, улар фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш;<br>- пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати билан боғлиқ равишда ўрта ва узоқ муддатли молиявий (бюджетларни) прогнозлаш;<br>- давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари бюджетларининг молиявий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш;<br>- кредит ва суғурта ташкилотларининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш;<br>- банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва уни модернизациялаш орқали ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;<br>- банк тизимининг даврий иқтисодий инқирозларга қарши чоралар билан фаолият юритишини таъминлаш;<br>- тижорат банкларининг эмиссион фаолиятини ташкил қилиш ва банк эҳтиёжлари учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш;<br>- тижорат банкларининг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш ва инвестиция портфелини самарали бошқаришни ташкил қилиш;<br>- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият билан шуғулланиш;<br>- республика қимматли қоғозлар бозори марказлашган инфратузилмаларининг операцион фаолиятини ташкил қилиш;<br>- қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилувчи давлат органлари ишини ташкил қилиш;<br>- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | таҳлил қилиши;<br>– банк-молия тизимига оид кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогноз қилишда амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни қўллаши;<br>– ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методларни тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқиши;<br>– намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиши ва уларнинг натижаларига ишлов бериши;<br>– илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиши;<br>– ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, реферат ва библиографияларни тузиши;<br>– илмий семинарлар, конференцияларда ва бошқа илмий жараёнларда, муҳокамаларда иштирок этиши;<br>– илмий мавзуларга мос журналларга мақолалар тайёрлаши лозим;<br>- статистик ва ҳисоб-таҳлилий маълумотларнинг манбаларини ҳамда истеъмолчиларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;<br>- тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширишдан олинган молиявий-иқтисодий натижаларни таҳлил қилиш;<br>- тадқиқотлар учун кўрсаткичлар тизимини танлаш ва уларнинг ўзаро алоқасини моделлаштириш;<br>- тадқиқот усулларини ва техник воситаларини танлаш;<br>- бошқарув қарорларни қабул қилиш учун ахборотларни йиғишни ташкил этишнинг ички ахборот тизимини яратиш;<br>- бошқарув ва молиявий ҳисобни юритиш, жорий молия йили учун тузилган молиявий режалар ижроси натижаларини таҳлил қилиш;<br>- банкларда молиявий менежментни, банк секторини, суғурта ва молия бозорини ривожлантириш, акциядорлик жамиятлари молиявий фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун молиявий ва иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш;<br>- тижорат банкларида рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;<br>- таҳлилий ҳисоботларни тайёрлаш, олиб борилган тадқиқот натижаларини изоҳлаш ва шарҳлаш;<br>- халқаро молия ва кредит ташкилотларининг амалий фаолияти натижаларини жамлаш ва ўрганиш;<br>- молиявий барқарорликни таъминлаш ҳамда уни модернизациялаш учун тегишли миллий ва халқаро маълумотларни жамлаш, уларни қайта ишлаш, гуруҳлаш ва таҳлил қилиш натижасида тегишли хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш;<br>- даврий молиявий-иқтисодий инқирозларга қарши чораларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилган тадқиқот натижаларини шарҳлаш;<br>– e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;<br>– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;<br>– ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;<br>– замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боглиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;<br>– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;<br>– тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва улар томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг Марказий банк ҳамда халқаро талабларга мос келишини назорат қилишда иштирок этиш;<br>– ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;<br>– электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;<br>– олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;<br>– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ўтказиш;<br>– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;<br>– ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;<br>– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;<br>– узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;<br>– мутахассислик бўйича банк-молия соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик обзорини ишлаб чиқиш;<br>– банк-молия тизимига оид кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогноз қилишда магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;<br>– ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш. |
| | ***5А230702*** | ***Банк ҳисоби ва аудит*** | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>– тижорат банкларида молиявий режаларни, йиғма молиявий балансларни, асосий иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун дастлабки маълумотларни тайёрлаш;<br>– тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва уни юритиш бўйича чора - тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;<br>– банкларда бухгалтерия аппарати ва банк фаолиятини ташкил этиш;<br>– тижорат банкларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш;<br>– тижорат банкларида ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | – банкларда йиллик аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;<br>– тижорат банкларида кредит операциялари ҳисоби, пул маблағлари ва лизинг операциялари ҳисоби ва ички банк операциялари ҳисобини юритиш;<br>– тижорат банкларида стратегик режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш;<br>– пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати билан боғлиқ равишда ўрта ва узоқ муддатли молиявий (бюджетларни) прогнозлаш;<br>– давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари бюджетларининг молиявий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш;<br>– кредит ва суғурта ташкилотларининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш;<br>– банк тизими барқарорлигини ошириш ва уни модернизациялаш орқали ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;<br>– банк тизимини даврий иқтисодий инқирозларга қарши чоралар билан фаолият юритишини таъминлаш;<br>– тижорат банкларининг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш, инвестиция портфелини самарали бошқаришни ташкил қилиш.<br>– статистик ва ҳисоб-таҳлилий маълумотларнинг манбаларини ҳамда истеъмолчиларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;<br>– тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширишдан олинган молиявий-иқтисодий натижаларни таҳлил қилиш;<br>– тадқиқотлар учун кўрсаткичлар тизимини танлаш ва уларнинг ўзаро алоқасини моделлаштириш;<br>– тадқиқот усулларини ва техник воситаларини танлаш;<br>– бошқарув қарорларни қабул қилиш учун ахборотларни йиғишни ташкил этишнинг ички ахборот тизимини яратиш;<br>– бошқарув ва молиявий ҳисобни юритиш, жорий молия йили учун тузилган молиявий режалар ижроси натижаларини таҳлил қилиш;<br>– банкларда молиявий менежментни, банк секторини, суғурта ва молия бозорини ривожлантириш, корпорациялар молиявий фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун молиявий ва иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш;<br>– тижорат банкларида рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;<br>– таҳлилий ҳисоботларни тайёрлаш, олиб борилган тадқиқот натижаларини изоҳлаш ва шарҳлаш;<br>– халқаро молия ва кредит ташкилотларининг амалий фаолияти натижаларини жамлаш ва ўрганиш;<br>– молиявий барқарорликни таъминлаш ва уни модернизациялаш учун тегишли миллий ва халқаро маълумотларни жамлаш, уларни қайта ишлаш, гуруҳлаш ва таҳлил қилиш натижасида тегишли хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш;<br>– даврий молиявий-иқтисодий инқирозларга қарши чораларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилган тадқиқот натижаларини шарҳлаш. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | – мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;<br>– ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида банк бозори ривожланишининг тенденцияларини тадқиқ қилиши ва ишлаб чиқиш;<br>– банк фаолиятини амалга ошириш билан боглиқ масалаларни ечиш учун янги технологиялар ва ёндашувларни қўллаши, уларнинг натижаларига ишлов бериш;<br>– намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;<br>– илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;<br>– ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, реферат ва библиографияларни тузиш;<br>– илмий семинарлар, илмий-техникавий конференциялар ишида иштирок этиш;<br>– тадқиқот мавзусига мос илмий журналларга мақолалар тайёрлаш<br>– e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;<br>– банк фаолиятини бошқариш, хизмат кўрсатиш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш;<br>– замонавий технологиялар асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;<br>– банк хизматларини кўрсатиш сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;<br>– юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматини кўрсатиш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;<br>– банк фаолиятини бошқариш билан боғлиқ замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;<br>– тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва улар томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг Марказий банк ҳамда халқаро талабларга мос келишини назорат қилишда иштирок этиш<br>– ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;<br>– электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;<br>– олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;<br>– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ўтказиш;<br>– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;<br>– ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | фойдаланиш;<br>– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;<br>– узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш<br>– мутахассислик бўйича банк-молия соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш;<br>– банк-молия тизимига оид кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогноз қилишда магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;<br>– ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш. |

Изоҳ. 1. Жадвал вазирлик (идора)нинг ташкилот(корхона)лари учун кадр тайёрланаётган ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича битирувчининг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган аниқ талаблар асосида тўлдириш тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қабул қилинади.

2. Жадвални қоғоз ва электрон вариантда (otmbb@edu.uz электрон манзилига) тақдим этишларингиз сўралади.

3. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификатори Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори билан тасдиқланган.

**Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк”**
**Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари** **А.Б.Эшонқулов**

(имзо) (Ф.И.О.)

Тошкент молия институтининг *5230700 –Банк иши* бакалавриат таълим йўналишини малака талабини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида

# КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри "12" 08 2017 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар – Акциядорлик тижорат банки "Қишлоқ қурилиш банк" Раисининг биринчи ўринбосари А.Б.Эшонкулов ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори И.Н.Қўзиев, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. *5230700 –Банк иши* бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"нинг III-қисми ҳамда 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарори, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соха ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га муврфиқ ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчилари, Акциядорлик тижорат банки "Қишлоқ қурилиш банк" мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. *5230700 –Банк иши* бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари кадрлар истеъмолчиси – Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк” мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талабини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

| | |
|---|---|
| **Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк” Раисининг биринчи ўринбосари** | **Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори** |
| **А.Б.Эшонкулов** | **И.Н.Қўзиев** |

Тошкент молия институтининг *5230700 –Банк иши* бакалавриат таълим йўналишини малака талабини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида

# КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри "12" 08 2017 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар – Акциядорлик тижорат "Алоқабанк" Раисининг ўринбосари Ҳ.Ў.Раҳматов ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори И.Н.Қўзиев, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. *5230700 –Банк иши* бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"нинг III-қисми ҳамда 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарори, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соха ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га муврфиқ ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчилари, Акциядорлик тижорат "Алоқабанк" мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. *5230700 –Банк иши* бакалавриат таълим йўналиши малака талаби кадрлар истеъмолчиси – Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талабиини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Раисининг ўринбосари**

**____________ Ҳ.Ў.Раҳматов**

**Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори**

**____________ И.Н.Қўзиев**

Тошкент молия институтининг *5230700 –Банк иши* бакалавриат таълим йўналишини малака талабини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент шаҳри "12" 08 2017 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Ходимлар билан иш олиб бориш бошқармаси бошлиғи Х.Қ.Маматалиев ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори И.Н.Қўзиев, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. *5230700 –Банк иши* бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"нинг III-қисми ҳамда 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарори, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соха ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га муврфиқ ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабларини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. *5230700 –Банк иши* бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари кадрлар истеъмолчиси – Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабларини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талабини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Ходимлар билан иш олиб бориш бошқармаси бошлиғи** | **Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори** |
| ____________ **Х.Қ.Маматалиев** | ____________ **И.Н.Қўзиев** |

**Тошкент молия институти томонида ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан**
**КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

**Тошкент шаҳри** "12" 08 **2017 йил**

**Қатнашдилар:**
проф.Н.Х.Хайдаров, проф.Б.Ю.Ходиев, доц.Б.Усманов, проф.А.Каримов, проф. Р.Дўстмуратов, проф.Б.Хасанов, проф.Р.Холбеков, проф.К.Ўразов, проф.Ш.Эргашхўжаева, проф.Н.Йўлдошев, проф.А.Кучаров, проф.А.Жўраев, проф.Т.Каралиев, доц.Д.Саидов, доц.Э.Авазов, доц.А.Бердиев, и.ф.н.доц.З.Ниёзов, и.ф.н.доц.Р.Тожиев, и.ф.н.доц.С.Султанова, и.ф.н.М.Маматқулов, доц.А.Махмудов, доц.М.Асқарова, доц.Н.Мажидов, доц.Ш.Файзиев, доц.Л.Зойиров, доц.О.Останакулов, доц.А.Аюбжонов, доц. Ф.Мухаммедов, доц.М.Шоюсупова, доц.Ғ.Захидов, доц.Қ.Хақбердиев, доц.Х.Шеннаев, доц.З.Умаров, доц.Б.Маматов, доц.У.Якубов, доц.Г.Мелибоева ва бошқалар.

**К У Н Т А Р Т И Б И :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"нинг III-қисми ҳамда 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарори, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, Тошкент молия институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Э Ш И Т И Л Д И :**

**Проф.Н.Х.Хайдаров –** Тошкент молия институти ректори

Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш мақсадида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, олий таълим тизимида ҳам улкан ислоҳотлар йўлга қўйилдики, бунда олий таълим йўналишлари(мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, таълим йўналишлари (мутахассисликлари)ни тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан унификацияланмоқда. Шундан келиб чиқиб Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт унверситети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Қорақалпоқ давлат университети, Солиқ академияси, Тошкент темир йўл мухандислик институти, Тошкент давлат аграр университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида махсус ишчи гуруҳ аъзолари томонидан таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Уларга турдош олий таълим муасссаларидан, вазирлик ва идоралар кадрлар исътемолчилари сифатида тақризлар олинди.

Сизлардан ушбу тайёрланган бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

## С Ў З Г А  Ч И Қ Д И Л А Р:

**Проф. Б.Ю.Ходиев** – Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эхтиёжи. фан. техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари меъёр талабларига жавоб беради, шунингдек малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

**Проф.Н.Хайдаров, проф.А.Каримов, доц.З.Умаров, доц.Б.Маматов, доц.Д.Саидов, доц.Ш.Файзиев, проф.Ш.Шохаъзамий -** Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари замонавий талаблар асосида ёзиб тайёрланган, уларда иқтисодиётнинг соҳаларидаги ислоҳотлар инобатга олинганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари тасдиқлаш учун тавсия этдилар.

**Доц. Ғ.Захидов –** Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тузилган.

| Т/р | Йўналиш ва мутахассислик номи | | Бакалавриат таълим йўналиши | Магистратура мутахассисликлари |
|---|---|---|---|---|
| | | | 5-боскич | 5А-боскич |
| 1. | Таълим йўналиши: | Молия | 5230600 | |
| 2. | Мутахассислик: | Давлат молиясини бошқариш | | 5А230601 |
| 3. | | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори *(соҳалар бўйича)* | | 5А230602 |
| 4. | | Инвестицияларни бошқариш *(тармоқ ва соҳалар бўйича)* | | 5А230603 |
| 5. | | Халқаро молия | | 5А230604 |
| 6. | Таълим йўналиши: | Банк иши | 5230700 | |
| 7. | Мутахассислик: | Банк иши *(фаолият турлари бўйича)* | | 5А230701 |
| 8. | Мутахассислик: | Банк ҳисоби ва аудит | | 5А230702 |
| 9. | Таълим йўналиши: | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит *(тармоқлар бўйича)* | 5230900 | |
| 10. | Мутахассислик: | Бухгалтерия ҳисоби *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230901 |
| 11. | | Аудит *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230902 |
| 12. | | Бюджет ҳисоби ва назорати | | 5А230903 |

Юқоридагиларни инобатга олиб, таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг янгиланган Классификаторига мос равишда таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини тасдиқлаш учун тавсия этилади.

## ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Турдош олий таълим муассасалари вакилларини ҳамда кадрлар истеъмолчиларини жалб этган ҳолда Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 19 июндаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 407-сонл ва бошқа тасдиқланган бошқа меъёрий-хуқуқий асослар ва тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун манфаатдор вазирликлар (идоралар) ҳамда асосий иш берувчи субъектлар ва илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилгани эътироф этилсин.

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари охирги лойиҳаларини ишлаб чиқишда инобатга олинсин.

4. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлатишга тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашиига тақдим этилсин.

**Тошкент молия институти**

**ректор __________ Н.Х.Хайдаров**

**Тошкент Давлат иктисодиёт университети ректори**

**ректори __________ Б.Ю.Ходиев**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига берилган**

## ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"нинг III-қисми ҳамда 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарори, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофиқ ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

Вазирликнинг 30 майдаги 356-сонли буйруғи билан тасдиқланган жадвалга мувофиқ:

- Тошкент молия институтида ташкил этилган Ижодий ишчи гуруҳлар томонидан 12 та бакалавриат таълим йўналишлари, 12 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари халқаро тажрибаларни ўрганилган ҳолда ишлаб чиқилди;

-ишлаб чиқилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари томонидан муҳокамадан ўтказилиб, келишилди;

- турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассисларининг таклифлари асосида тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган малака талаблари ва ўқув режалари Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар муҳокамасидан ўтказилди ва ўрнатилган тартибда тасдиққа олиб чиқилди.

Малака талабларини ишлаб чиқишда давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари, қўлланиш соҳаси, атамалар, таърифлар, қисқартмалар, йўналишнинг тавсифи, йўналишнинг касбий фаолиятлари тавсифи, бакалавр ва магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар, бакалавриат таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари, бакалавр ва магистрларнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар, таълим дастурларининг татбиқ этилиши, ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар, таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари, ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар, кадр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш, эслатма, иловалар, библиографик маълумотлар, ишлаб чиқувчилар, асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари билан келишилганлигини тасдиқловчи муҳр ва имзолар ўз ифодасини топган.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари меъёр талабларига жавоб беради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)нинг Классификаторига мос равишда таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот Марказида кўриб чиқилди:

| **Т/р** | **Йўналиш ва мутахассислик номи** | | **Бакалавриат таълим йўналиши** | **Магистратура мутахассис-ликлари** |
|---|---|---|---|---|
| | | | **5-босқич** | **5А-босқич** |
| 1. | **Таълим йўналиши:** | Касб таълими *(5230600 - Молия)* | 5111000 | |
| 2. | | Касб таълими *(5230700 – Банк иши)* | 5111000 | |
| 3. | | Касб таълими *(5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)* | 5111000 | |
| 4. | | Касб таълими *(5231200 - Суғурта иши)* | 5111000 | |
| 5. | **Таълим йўналиши:** | Молия | 5230600 | |
| 6. | **Мутахассислик:** | Давлат молиясини бошқариш | | 5А230601 |
| 7. | | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори *(соҳалар бўйича)* | | 5А230602 |
| 8. | | Инвестицияларни бошқариш *(тармоқ ва соҳалар бўйича)* | | 5А230603 |
| 9. | | Халқаро молия | | 5А230604 |
| 10. | **Таълим йўналиши:** | Банк иши | 5230700 | |
| 11. | **Мутахассислик:** | Банк иши *(фаолият турлари бўйича)* | | 5А230701 |
| 12. | **Мутахассислик:** | Банк ҳисоби ва аудит | | 5А230702 |
| 13. | **Таълим йўналиши:** | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит *(тармоқлар бўйича)* | 5230900 | |
| 14. | **Мутахассислик:** | Бухгалтерия ҳисоби *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230901 |
| 15. | | Аудит *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230902 |
| 16. | | Бюджет ҳисоби ва назорати | | 5А230903 |
| 17. | **Таълим йўналиши:** | Суғурта иши | 5231200 | |
| 18. | **Мутахассислик:** | Суғурта иши | | 5А231201 |
| 19. | **Таълим йўналиши:** | Пенсия иши | 5231300 | |
| 20. | **Мутахассислик:** | Пенсия иши | | 5А231301 |
| 21. | **Таълим йўналиши:** | Баҳолаш иши | 5231500 | |
| 22. | **Мутахассислик:** | Баҳолаш иши ва риелторлик *(объектлар бўйича)* | | 5А231501 |
| 23. | **Таълим йўналиши:** | Давлат бюджетининг ғазна ижроси | 5232000 | |
| 24. | **Таълим йўналиши:** | Корпоратив молия | 5232100 | |
| | ***Жами: 24 та (Бак.: 12 та, Маг.: 12 та)*** | | | |

Умуман олганда, таянч олий таълим муассасаси сифатида Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган 12 та таълим йўналишлари ва 12 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига ўрнатилган тартибда тасдиқланиши ва амалиётга татбиқ этилишини мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот Маркази директори, и.ф.д., проф.** **Д.Қ.Ахмедов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ БИРЛАШМАЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИНИНГ "ИҚТИСОД" ЎҚУВ-УСЛУБИЙ БИРЛАШМАСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИДАН**
**КЎЧИРМА**

**Тошкент шаҳри** "15" 08 **2017 йил**

**Қатнашдилар: Бирлашма раиси** – проф. Б.Ю.Ходиев

**Аъзолари**: проф.Н.Хайдаров, доц.Б.Усманов, доц.И.Қўзиев, проф.Ш.Эргашхўжаева, проф.Б.Хасанов, проф.Н.Йўлдошев, проф.А.Кучаров, проф.А.Жўраев, проф.А.Омонов, доц.Р.Холбеков, доц.Д.Саидов, доц. Б.Бобоев, доц.М.Асқарова, доц.Н.Мажидов, доц.О.Қулжонов, доц.И.Қўзиев, доц.Л.Зойиров, доц.А.Аюбжонов, доц.И.Абдурахмонов, доц.М.Шоюсупова, доц.Қ.Хаҳбердиев, проф.А.Тўйчиев, доц.О.Комолов, доц.Б.Маматов, доц. У.Якубов, доц.Г.Мелибоева, илмий котиб Б.Усмонов

**К У Н  Т А Р Т И Б И :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"нинг III-қисми ҳамда 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2955-сонли Қарори, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соха ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га муврфиқ ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

**Э Ш И Т И Л Д И :**

**проф.Б.Ю.Ходиев**– Ўқув-услубий бирлашма раиси. Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш мақсадида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, олий таълим тизимида ҳам улкан ислоҳотлар йўлга қўйилдики, бунда олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, таълим йўналишлари (мутахассисликлари)ни тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан унификацияланмоқда. Шундан келиб чиқиб, Таянч олий таълим муассасаси сифатида Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-

ўқитувчилари иштирокида махсус ишчи гуруҳ аъзолари томонидан таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Уларга турдош олий таълим муасссаларидан, вазирлик ва идоралар кадрлар истеъмолчилари сифатида тақризлар олинди.

Сизлардан ушбу тайёрланган бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

**С Ў З Г А Ч И Қ Д И Л А Р:**

**1. Проф. Н.Хайдаров** – Ўқув-услубий бирлашма аъзоси. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Улар олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда иқтисодиётда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, олий таълим муассаларида замонавий инновацион технологиялар бўйича чукур билим ҳамда амалий кўникмаларни тайёрланадиган кадрларга етказишга мўлжалланган. Шунинг учун ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўқув режаларни маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

**2. проф. А.Кучаров, проф. А.Жўраев, доц.Б.Маматов, доц.Д.Саидов, -** Ўқув-услубий бирлашма аъзолари ҳам сўзга чиқиб, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари замонавий талаблар асосида ёзиб тайёрланган, уларда иқтисодиётнинг соҳаларидаги ислоҳотлар инобатга олинганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари тасдиқлаш учун тавсия этдилар.

**3. Доц. Б.Усманов –** Ўқув-услубий бирлашма аъзоси. Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тузилган. Фан дастурлари ишлаб чиқиш жараёнида ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари инобатга олинган. Шунинг учун муҳокамага қўйилган барча фан дастурларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш керак деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги олий таълим йўналишлари(мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторига мос равишда таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини “Иқтисод” ўқув-услубий бирлашмасида кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

| Т/р | Йўналиш ва мутахассислик номи | | Бакалавриат таълим йўналиши | Магистратура мутахассис-ликлари |
| --- | --- | --- | --- | --- |
| | | | **5-босқич** | **5А-босқич** |
| 1. | **Таълим йўналиши:** | Касб таълими *(5230600 - Молия)* | 5111000 | |
| 2. | | Касб таълими *(5230700 – Банк иши)* | 5111000 | |
| 3. | | Касб таълими *(5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)* | 5111000 | |
| 4. | | Касб таълими *(5231200 - Суғурта иши)* | 5111000 | |
| 5. | **Таълим йўналиши:** | Молия | 5230600 | |
| 6. | **Мутахассислик:** | Давлат молиясини бошқариш | | 5А230601 |
| 7. | | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори *(соҳалар бўйича)* | | 5А230602 |
| 8. | | Инвестицияларни бошқариш *(тармоқ ва соҳалар бўйича)* | | 5А230603 |
| 9. | | Халқаро молия | | 5А230604 |
| 10. | **Таълим йўналиши:** | Банк иши | 5230700 | |
| 11. | **Мутахассислик:** | Банк иши *(фаолият турлари бўйича)* | | 5А230701 |
| 12. | **Мутахассислик:** | Банк ҳисоби ва аудит | | 5А230702 |
| 13. | **Таълим йўналиши:** | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит *(тармоқлар бўйича)* | 5230900 | |
| 14. | **Мутахассислик:** | Бухгалтерия ҳисоби *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230901 |
| 15. | | Аудит *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230902 |
| 16. | | Бюджет ҳисоби ва назорати | | 5А230903 |
| 17. | **Таълим йўналиши:** | Суғурта иши | 5231200 | |
| 18. | **Мутахассислик:** | Суғурта иши | | 5А231201 |
| 19. | **Таълим йўналиши:** | Пенсия иши | 5231300 | |
| 20. | **Мутахассислик:** | Пенсия иши | | 5А231301 |
| 21. | **Таълим йўналиши:** | Баҳолаш иши | 5231500 | |
| 22. | **Мутахассислик:** | Баҳолаш иши ва риэлторлик *(объектлар бўйича)* | | 5А231501 |
| 23. | **Таълим йўналиши:** | Давлат бюджетининг ғазна ижроси | 5232000 | |
| 24. | **Таълим йўналиши:** | Корпоратив молия | 5232100 | |
| | ***Жами: 24 та (Бак.: 12 та, Маг.: 12 та)*** | | | |

**Й И Ғ И Л И Ш   Қ А Р О Р**
**Қ И Л А Д И:**

1.Турдош олий таълим муассасалари вакилларини ҳамда кадрлар истеъмолчиларини жалб этган ҳолда Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” қарори

меъёрлари ва Вазирлик томонидан тасдиқланган тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2.Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиклаш учун манфаатдор вазирликлар (идоралар) ҳамда асосий иш берувчи субъектлар ва илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилгани эътироф этилсин.

3.Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларида кўрсатилган фанларнинг услубий таъминоти ўрганилиб чиқилсин.

4.Малака талаблари ва ўқув режалари охирги лойиҳаларини ишлаб чиқишда шунингдек фанларнинг услубий таъминотини яратишда экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар инобатга олинсин.

5.Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлатишга тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашиига тақдим этилсин.

**Ўқув-услубий бирлашма раиси** **проф. Б.Ю.Ходиев**

**Бирлашма котиби** **Б.Усмонов**

**_5230700 – Банк иши_ таълим йўналиши негизидаги _5А230701 – Банк иши (фаолият турлари бўйича)_ мутахассислиги бўйича магистратура давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим стандартлари билаи қиёсий таққослаш**

**Магистратурада таълим жараёнинг умумий кўрсаткичлари**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (магистратура) | Англия MIF (Master in Finance) дастури London Business School | Northern State University (USA) Banking and Financial Services (MS) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Бошланиши | 4 йил бакалавриатдан сўнг | 4 йил бакалавриатдан сўнг | 4 йил бакалавриатдан сўнг |
| 2. | Давомийлиги | 2 йил | **Full-time program** - 9 ой. **Part-time program** – 21 ой. Ҳар ҳафтада икки марта (душанба ва пайшанба) 30 ҳафта мобайнида кечки вақтда машғулот ўтказилади . | 1 йил |
| 3. | Таълим олувчилар сони | 1 - (талабга мувофиқ) | **Full-time program** - 136 талаба. **Part-time program** – 60 дан ортиқ талаба. | 20-25 |
| 4. | Ўтиш жойлари | Тошкент молия институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси | London Business School тасарруфидаги «Молия ва ҳисобот» факультетида (хоҳишга кўра халқаро гуруҳларда) | Northern State University тасарруфидаги “Banking and Finance” факультетида (келишувга асосан ҳамкор ОТМда) |
| 5. | Таълим берувчилар | Мос мутахассислик бўйича фан доктори илмий даражаси ёки мутахассислар тайёрловчи кафедра бўйича ушбу таълим муассасасида фаолият кўрсатувчи илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар (шунингдек, ишлаб чиқаришдан малакали мутахассислар таклиф этилиши мумкин) | Мос мутахассислик бўйича илмий даражага ва магистр даражасига эга бўлган етакчи мутахассислар | Northern State University “Banking and Finance” факультети профессор-ўқитувчилари |
| 6. | Таълим жараёниии кузатиш ва назорат қилиш | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Магистратура бўлими - УАШ тайёрлаш кафедраси мудири-магистратура директори, магистрант. | «Молия ва ҳисобот» факультети | Тегишли факультет ва масъул мутахассисилик кафедраси (Finance, Banking and Insurance MSc) |

# Магистратурада таълим жараёнинг таркиби

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси | Англия<br>MIF (Master in Finance) дастури<br>London Business School | Northern State University (USA)<br>Banking and Financial Services (MS) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Назарий таълим | Ўқув режада белгиланган соатлар ва намунавий ўқув дастуридаги мавзулар бўйича ўтказилади | **Full-time program:** - бу дастурда барча фанлар назарий таълим ва шахсий лойиҳа устида ишлашдан иборат бўлади.<br>**Part-time program:** - ҳар ҳафтанинг бир куни маъруза машғулоти куни белгиланади (Мисол учун: 5 та пайшанба-соат 18.00-19.30) | Университетда таълим жараёнида мажбурий (core) ва танлов фанлари (optional) “кредит”лар тарзида белгиланган. Яъни, бир ҳафтада 1 аудитория машғулоти - 3 «кредит», бир ҳафтада 2 аудитория машғулоти - 6 «кредит» ва ҳ.к. |
| 2. | Амалий таълим | Ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар ва уларга ажратилган соатлар бўйича | **Full-time program:** - бу дастурда барча фанлар назарий таълим ва шахсий лойиҳа устида ишлашдан иборат бўлади.<br>**Part-time program:** - ҳар ҳафтанинг бир куни амалий машғулот куни белгиланади (Мисол учун: 10 та душанба-соат 18.00-21.15 ва 5 та пайшанба - соат 18.00-21.15). 10 ҳафта мобайнида дарсларнинг ¼ қисми амалий машғулот тарзида ўтказилади. | |
| 3. | Илмий – тадқиқот ишлари | Магистратурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича диссертация ишини амалий маълумотлар асосида амалга оширади. Кафедра ёки бошқа ишлаб чиқариш муассасалари ходимлари илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштрок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар.<br>Бундан ташқари магистрантлар таълим жараёнида педагогик иш билан машғул бўладилар. | **Full-time program:** - Иккинчи уч семестр бошида талабалар шахсий лойиҳаларини бажаришни бошлайди. **Бажариш муддати** – июнь ойининг бошигача.<br>**Part-time program:** - Лойиҳанинг катта қисми биринчи ўқув йилининг охиригача бўлган муддатда бажарилади. Бажарилган лойиҳанинг ҳимояси декабрь ойининг охирида бўлиб ўтади. | Диссертацион тадқиқотни бажаришга барча талабларни тўлиқ бажарган талабаларга рухсат берилади. Диссертация мутахассислик факультети профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида бажарилади. Магистратура дастурини муваффақиятли тамомлаш учун ҳар бир талаба камида 90 кредит тўплаши, яъни ўтилган курслар бўйича 60 кредит, диссертация бўйича эса 30 кредит тўплаши керак бўлади. |
| 4. | Мустақил таълим | Магистрантлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошка жойларда яратилган | Мустақил таълим алоҳида назарда тутилмаган. Чунки булар юз фоиз тўлов асосида ўқитилади. | Университетда мустақил таълим назарда тутилмаган, чунки магистратура |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | шароитлардан (тарқатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. | **Full-time** - 4 та асосий курс, ишлаб чиқариш амалиёти, 5 та курс танланма асосида. **Part-time** - 4 та асосий курс, шахсий лойиҳа, 5 та курс танланма асосида. | дастури тўлиқ контракт асосида олиб борилади. |
| 5. | Таълим жараёнида баҳолаш | Магистрантларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади. | Лойиҳаларни ҳимоя қилиш орқали курс якунланади. Узлуксиз баҳолаш тизими назарда тутилмаган. | Таълим жараёни икки хил усулда назаорат қилинади. Лойиҳаларни ҳимоя қилиш ва тест орқали. Лойиҳаларни ҳимоя қилишда магистрант танлаган лойиҳаси бўйича белгиланган муддатда лойиҳа ишини (индивидуал ёки гуруҳ,яъни team-work) комиссияга топширади. Таълим жараёни тест асосида назорат қилиб борилади. Тест синовлари 3 соат 30 дақиқа давом этади. Биринчи 90 дақиқада иқтисодиёт бўйича элементар билимлар текширилади. 30 дақиқалик танафусдан сўнг чизиқли алгебра, эҳтимоллар назарияси ва статистика бўйича элементар билимлар текширилади. Тестлар инглиз тилида ўтказилади. Тест синовлари танланма асосида ўтказилмайди. |

## Магистратурада таълим жараёнинг мазмуни ва давомийлиги

| Ўзбекистон Республикаси Тошкент молия институти 5А230701-Банк иши *(фаолият турлари бўйича)* мутахассислиги | Муддати (соати) | Англия MIF (Master in Finance) дастури London Business School | Муддати | Northern State University (USA) Banking and Financial Services (MS) | Муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси<br><br>2. Илмий-тадқиқот методологияси<br><br>3. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат | 58<br><br>88<br><br>58 | **Full-time program:**<br>**Уч семестр №1: Куз тизими.**<br>Сентябрь – декабрь ойлари учун:<br>1. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил.<br>2. Корпоратив молия ва уларни баҳолаш.<br>3. Капитал бозори ва уларни молиялаштириш.<br>**Уч семестр №2: Баҳор тизими.**<br>Январь – март ойлари учун:<br>1. Молия асослари.<br>2. Биринчи танлов фани. | | **Мажбурий курслар 38 та кредитни ташкил этади:**<br>• Математика ва молияда моделлаштириш, Кредит = 6.<br>• Инвестициялар, Кредит = 3<br>• Молиявий ҳисобот, унинг баҳоланиши ва | Курслар учлик уч семестрдан иборат: Кузги уч семестр (октябрь-декабрь), Қишки уч семестр (январь-апрель) ва Баҳорги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. Амалий хорижий тил<br><br>5. Ахборот тизимлари<br><br>6. Халқаро валюта бозорлари<br><br>7. Банкларда бухгалтерия ҳисоби II<br><br>8. Банк актив ва пассивларини бошқариш<br><br>9. Риск менежмент<br><br>10. Монетар сиёсат II | 148<br><br>60<br><br>122<br><br>144<br><br>246<br><br>122<br><br>122 | 3. Иккинчи танлов фани.<br>4. Шахсий лойиҳа устида ишлаш.<br>**Уч семестр №3: Ёз тизими.**<br>*Апрель – июнь ойлари учун:*<br>1. Учинчи танлов фани.<br>2. Тўртинчи танлов фани.<br>3. Бешинчи танлов фани<br>4. Шахсий лойиҳа устида ишлаш<br>**Part-time program:**<br>**Уч семестр №1: Куз тизими.**<br>Сентябрь – декабрь ойлари учун:<br>1.) 10 та душанба соат 18.00-21.15. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил.<br>2.) 5 та пайшанба соат 18.00-19.30. Маъруза машғулоти.<br>3.) 5 та пайшанба соат 18.00-21.15. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил.<br>**Уч семестр №2: Баҳор тизими.**<br>Январь – март ойлари учун:<br>1.) 10 та душанба соат 18.00-21.15. Корпоратив молия ва уларни баҳолаш.<br>2.) 5 та пайшанба соат 18.00-19.30. Маъруза машғулоти.<br>3.) 5 та пайшанба соат 18.00-21.15. Молия асослари.<br>**Уч семестр №3: Ёз тизими.**<br>Апрель – июнь ойлари учун:<br>1.) 10 та душанба соат 18.00-21.15. Капитал бозори ва уларни молиялаштириш.<br>2.) 5 та пайшанба соат 18.00-19.30. Маъруза машғулоти.<br>3.) 5 та пайшанба соат 18.00-21.15. Молия асослари. | хавфсизлиги таҳлили,<br>Кредит = 3<br>•*Халқаро молия*,<br>Кредит = 3<br>• Молия бозорларида эконометрика,<br>Кредит = 2<br>•Микроэкономика,<br>Кредит = 2<br>• Молиявий иқтисод,<br>Кредит = 4<br>• Молиявий ишлаб чиқариш,<br>Кредит = 4<br>• Рисклар ва активларни бошқариш,<br>Кредит = 3.<br>• Корпоратив молия,<br>Кредит = 3<br>•Фиксирланган даромад ва бошқаришни баҳолаш,<br>Кредит = 3<br>• Банк иши,<br>Кредит = 2 | уч семестр (апрель-*июль*) ҳамда диссертация ҳимояси. |

**“Банк иши” кафедраси мудири** **и.ф.н., доц.Саидов Д.А.**

**Маъсул** **к.ўқ. Холмаматов Ф.**

**Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган**
***5230700 – "Банк иши"* таълим йўналишининг малака талабларига**

# ТУШУНТИРИШ ХАТИ

1. Мазкур *5230700 – "Банк иши"* таълим йўналишининг малака талаблари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мақсади, вазифалари ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган. Малака талаблари таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимини яратишга, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек, таълим-тарбияга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини мукаммал амалга оширилишига қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"нинг III-қисми ҳамда 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПК-2955-сонли Қарори, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 2017 йил 30 майдаги 356-сонли, 2017 йил 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш асосида ишлаб чиқилган.

2. Малака талаблари дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари, шу жумладан: таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи; таълимнинг инсонпарварлашуви, инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви; таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш; таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва

бойитиш, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги; иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобга олинди.

3. Малака талаблари асосида таълим олувчиларда банк иши соҳасида чуқур билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, мустақил фикрлаш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб бориш ҳамда юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

4. Мазкур *5230700–"Банк иши"* таълим йўналишининг малака талаблари халқаро тажриба, кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий ишланмаларни яратишда Марказий банк ва тижорат банкларининг турли молиявий хизматларни кўрсатиш, банк операцияларини амалга оширишда кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватлаш, фаннинг ривожланиш даражаси ва илғор ютуқлари, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кадрларга нисбатан амалиётда қўйиладиган талаблар, олий таълимни жаҳон тенденциясидаги ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими билан қиёсий таққослаш асосида илмий асосланган.

5. Таълим турлари ва босқичлари бўйича мутахассислик малака талабларининг келишилганлиги ва изчиллиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги, таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди. Хусусан, *5230700 – "Банк иши"* таълим йўналиши учун малака талаблари ва ўқув режаларида кадрлар истеъмолчилари сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари таклифлари асосида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

6. Ўқув юкламаси оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятлари, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш; таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш ҳисобга олинди.

7. Таълим олувчиларни тайёрлашда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи ҳуқуқий, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш, таълим фаолиятининг

сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиби белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди.

8. Малака талабларининг технологиклиги – унинг бажарилишини назорат қилиш ва унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, Мазкур *5230700–"Банк иши"* таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

9. Мазкур *5230700–"Банк иши"* таълим йўналишининг малака талабларига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти (фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграцияни таъминлаш, таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантириш) фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

10. *5230700–"Банк иши"* таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими ва "Иқтисод" таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти (Ўзстандарт агентлиги, 30.10.2015 й, № 5927) қоидалари талабларига, шу жумладан, стандартлаштиришнинг асосий мақсадларига, республикада стандартлашга доир ишларни мақбул даражада ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш функциясига, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ҳамда битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талабларига тўлиқ мос келади.

**"Банк иши" кафедраси мудири**
**и.ф.н., доц.** **Д.Саидов**

**Ўқув ишлари бўйича проректор,**
**и.ф.н., доц.** **И.Қўзиев**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим**
**вазири __________ И.Маджидов**
**201__йил «__»________**
**м.ў.**

# ЎҚУВ РЕЖА

**Таълим йўналиши:**
***5230700 - Банк иши***

**Академик даража - БАКАЛАВР**
**Ўқиш муддати - 4 йил**
**Таълим шакли - кундузги**

## I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ
## 2016-2017 ўқув йили

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Ўкув жараёни: Жами | шундан: Назарий таълим | Аттестациялар | Малака амалиёти | Битирув малакавий иши | Таътиллар | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сентябр | | | | | Октябрь | | | | Ноябрь | | | | | Декабрь | | | Январь | | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрель | | | | Май | | | | Июнь | | | | Июль | | | | Август | | | | | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | | | | | | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 36 | 4 | 2 | | 10 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | М | М | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 44 | 36 | 4 | 4 | | 8 | 52 |
| III | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | М | М | М | М | М | М | Т | Т | Т | Т | 46 | 36 | 4 | 6 | | 6 | 52 |
| IV | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | А | М | М | М | М | Б | Д | Д | Б | Б | Б | Т | Т | Т | Т | | | | | | 42 | 28 | 5 | 4 | 5 | 6 | 48 |
| Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 174 | 136 | 17 | 16 | 5 | 30 | 204 |

## 2017-2018 ўқув йили

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Ўкув жараёни ҳафталари сони: Жами | шундан: Назарий ва амалий таълим | Аттестациялар | Малакавий амалиёт | Битирув малакавий иши ҳимояси билан | Таътил ҳафталари сони | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сентябр | | | | | Октябрь | | | | Ноябрь | | | | | Декабрь | | | Январь | | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрель | | | | Май | | | | Июнь | | | | Июль | | | | Август | | | | | | | | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | | | | | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 38 | 4 | | | 10 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | М | М | М | М | М | М | Т | Т | Т | Т | 46 | 36 | 4 | 6 | | 6 | 52 |
| III | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | М | М | М | М | М | М | Т | Т | Т | Т | 46 | 36 | 4 | 6 | | 6 | 52 |
| IV | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | А | М | М | М | М | М | Б | Д | Д | Б | Б | Б | Т | Т | Т | Т | | | | | 42 | 28 | 5 | 5 | 4 | 6 | 48 |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами | 176 | 138 | 17 | 17 | 4 | 28 | 204 |

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Назарий ва амалий таълим | А | Аттестациялар | М | Малакавий амалиёт | Д | Давлат аттестацияси | Б | Битирув малакавий иши ҳимояси билан | Т | Таътиллар |

## II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

| Т/р | Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Талабанинг ўқув юкламаси (соатларда): Умумий юкламанинг ҳажми | | Аудитория машғулотлари (соатларда): Жами | Маъруза | Амалий машғулот | Лаборатория иши | Семинар | Курс лойиҳаси (иши) | Мустақил таълим | Соатларнинг курс, семестр ва ҳафталар бўйича тақсимоти: 1-курс | | 2-курс | | 3-курс | | 4-курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | Курслардаги ҳафталар сони: 42 | | 46 | | 46 | | 42 | |
| | | | | | | | | | | | Семестрлар: 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | соат | % | | | | | | | | Семестрдаги аудитория машғулотлари ҳафталарининг сони: 18 | 20 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 10 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| **1.00** | **Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар** | **968** | **12,99** | **642** | **128** | **378** | | **136** | | **326** | **14** | **6** | **6** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 92 | | 54 | 18 | | | 36 | | 38 | 3 | | | | | | | |
| 1.02 | Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси | 60 | | 36 | 18 | | | 18 | | 24 | 2 | | | | | | | |
| 1.03 | Диншунослик | 60 | | 36 | 18 | | | 18 | | 24 | 2 | | | | | | | |
| 1.04 | Фалсафа | 120 | | 72 | 36 | | | 36 | | 48 | | | 4 | | | | | |
| 1.05 | Фуқаролик жамияти | 92 | | 56 | 28 | | | 28 | | 36 | | | | | | | 2 | 2 |
| 1.06 | Ўзбек (рус) тили | 124 | | 92 | | 92 | | | | 32 | 3 | 2 | | | | | | |
| 1.07 | Хорижий тил | 300 | | 220 | | 220 | | | | 80 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | | |
| 1.08 | Жисмоний маданият* | 120 | | 76 | 10 | 66 | | | | 44 | 2 | 2 | | | | | | |
| **2.00** | **Математик ва табиий-илмий фанлар** | **930** | **12,48** | **560** | **242** | **242** | **76** | | | **370** | **8** | **10** | **4** | **4** | | **4** | | |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2.01 | Ахборот-коммуникация технологиялари | 318 | | 192 | 58 | 58 | 76 | | | 126 | 4 | 6 | | | | | | |
| 2.02 | Иктисодчилар учун математика | 252 | | 152 | 76 | 76 | | | | 100 | 4 | 4 | | | | | | |
| 2.03 | Иқтисодий математика | 240 | | 144 | 72 | 72 | | | | 96 | | | 4 | 4 | | | | |
| 2.04 | Эконометрика асослари | 120 | | 72 | 36 | 36 | | | | 48 | | | | | | 4 | | |
| **3.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3774** | **50,64** | **2162** | **1072** | **1014** | | **76** | **2Ки** | **1612** | **7** | **10** | **22** | **26** | **18** | **14** | **12** | **18** |
| 3.01 | Иқтисодиёт назарияси | 272 | | 152 | 76 | | | 76 | Ки | 120 | 4 | 4 | | | | | | |
| 3.02 | Микроиктисодиёт | 188 | | 108 | 54 | 54 | | | | 80 | | | 6 | | | | | |
| 3.03 | Макроиктисодиёт | 188 | | 108 | 54 | 54 | | | | 80 | | | | 6 | | | | |
| 3.04 | Статистика | 188 | | 108 | 54 | 54 | | | | 80 | | | | 4 | 2 | | | |
| 3.05 | Менежмент. Маркетинг | 188 | | 108 | 54 | 54 | | | | 80 | | | 2 | 4 | | | | |
| 3.06 | Молиявий ва бошқарув ҳисоби | 252 | | 144 | 72 | 72 | | | | 108 | | | 4 | 4 | | | | |
| 3.07 | Молиявий таҳлил | 252 | | 144 | 72 | 72 | | | | 108 | | | | | 4 | 4 | | |
| 3.08 | Пул ва банклар | 312 | | 180 | 90 | 90 | | | Ки | 132 | | | 6 | 4 | | | | |
| 3.09 | Молия | 252 | | 144 | 72 | 72 | | | | 108 | | | 4 | 4 | | | | |
| 3.10 | Молиявий менежмент | 126 | | 72 | 36 | 36 | | | | 54 | | | | | | | 4 | |
| 3.11 | Молия бозори | 126 | | 72 | 36 | 36 | | | | 54 | | | | | 4 | | | |
| 3.12 | Инвестиция | 126 | | 72 | 36 | 36 | | | | 54 | | | | | | 4 | | |
| 3.13 | Аудит | 196 | | 112 | 56 | 56 | | | | 84 | | | | | | | 4 | 4 |
| 3.14 | Банк менежменти ва маркетинги | 196 | | 112 | 56 | 56 | | | | 84 | | | | | | | 4 | 4 |
| 3.15 | Банк хукуки | 126 | | 72 | 36 | 36 | | | | 54 | | | | | 4 | | | |
| | *Танлов фанлари* | *786* | | *454* | *218* | *236* | | | | *332* | *3* | *6* | | | *4* | *6* | | *10* |
| **4.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1400** | **18,79** | **820** | **392** | **392** | **36** | | **2Ки** | **580** | | | | | **12** | **12** | **16** | **10** |
| 4.01 | Банк иши | 318 | | 184 | 92 | 92 | | | Ки | 134 | | | | | | 4 | 4 | 4 |
| 4.02 | Банкларда бухгалтерия ҳисоби | 312 | | 180 | 72 | 72 | 36 | | Ки | 132 | | | | | 6 | 4 | | |
| 4.03 | Монетар сиёсат | 160 | | 92 | 46 | 46 | | | | 68 | | | | | | | 4 | 2 |
| 4.04 | Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш | 194 | | 112 | 56 | 56 | | | | 82 | | | | | | | 4 | 4 |
| 4.05 | Халқаро банк иши | 250 | | 144 | 72 | 72 | | | | 106 | | | | | | 4 | 4 | |
| | *Танлов фанлари* | *166* | | *108* | *54* | *54* | | | | *58* | | | | | *6* | | | |
| **5.00** | **Қўшимча фанлар** | **380** | **5,10** | **230** | **78** | **152** | | | | **150** | **3** | **6** | | | | | **2** | **2** |
| | **Жами** | **7452** | **100,0** | **4414** | **1912** | **2178** | **112** | **212** | **4Ки** | **3038** | **32** | **32** | **32** | **32** | **32** | **32** | **32** | **32** |
| | **Малакавий амалиёти** | **918** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Битирув малакавий иши ҳимояси билан** | **216** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Аттестациялар** | **918** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Жами** | **2052** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **ХАММАСИ** | **9504** | | | | | | | | | | | | | | | | |

**Ўқув режани ишлаб чиқиш давомида амалга оширилган ўзгаришлар бўйича қисқача изоҳ:**

**1.Семестр давомида биринчи курснинг иккинчи семестрида хафталар сони 18 ҳафтадан 20 ҳафтага кўпайтирилди.**

**2.Биринчи курсда режалаштирилган малакавий амалиёт соатлари иккинчи курсда режалаштирилган малакавий амалиётларга қўшилди.**

**3.Тўртинчи курсда тўрт ҳафталик режалаштирилган малакавий амалиёт беш ҳафталик малакавий амалиётга кўпайтирилиди.**

**4. Тўртинчи курсда малакавий амалиёт кўпайиши ҳисобига Давлат аттетацияси бир ҳафтагакамайтирилди.**

**5.Фанларнинг оптималлаштириш натижасида "Молия математикаси" соати "Иқтисодий математика" фани соатига қўшилди.**

**6."Ўзбекистон Ресиубликасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Ресиубликаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони ва бошқа меъёрий хужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўкув режада айрим фанларнинг ўқитилиш семестрлари ўзгартирилди.**

**"Банк иши" кафедраси мудири** **Д.Саидов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI KADRLAR BO'LIMI